

Ўша куни Моррисон Кеннеди аэропортида ўтирганича бир кишини кутарди. У барда танишини кўриб колди.

- Жимми? Жимми Маккенн?

Уларнинг Атлантадаги кўрғазмада учрашувларидан буён Маккенн сал семирган бўлса-да, кўриниши жуда яхши эди. Моррисон унинг коллежда ўқиган пайтида кандай ашаддий кашанда, орик ва рангпар бўлганлигини эслади. Кўзлари катта-катта кўзойнаги унинг юзини тўсиб кўярди. Энди эса, афтидан Маккенн, контакт линза такарди.

- Дик Моррисон?

- Ха, менман. Кўринишинг зўр. - Улар кўришишди.

- Сенинг хам, - деди Маккенн, лекин Моррисон бунинг ёлгон эканлигини биларди. У жуда кўп ишлар, ер, ичарди.

- Нима ичасан?

- Бурбон, - деди Моррисон ва кулайроқ жойлашиб ўтириб сигарет туташтирди. - Бирортасини кутиб олгани чикдингми?

- Йўк. Маямига кетяпман. Олти миллион долларлик шартнома тузгани.

- Хали хам «Крегер ва Бартон» фирмасида ишляпсанми?

- Энди мен унинг витсе-президентиман.

- Буни кара! Табриклайман! Качондан бери? - Моррисон ичи хасаддан эмас, жигилдони кайнаётганидан куяётганига ўзини ишонтиришга уринарди. У дори олиб огзига солди.

- Августдан бери. Бунгача эса хаётимни ўзгартириб юборган воқеалар содир бўлди. - У Моррисонга диккат билан каради. - Бу сени кизиктириши мумкин.

- Албатта, - жавоб берди Моррисон стакандаги ичкиликдан хўпларкан.

- Ишларим оркага кетганди, - хикоясини бошлади Маккенн. - Шерон билан келишолмай колдим, отам инфарктдан вафот этди, ўзим эса тинмай йўталардим. Бир куни хонамга Бобби Крегер кирди ва тарбиявий суҳбат олиб борди. Эсингдами шундай суҳбатлар?

- Бўлмаса-чи! - Моррисон «Крегер ва Бартон» фирмасида бир ярим йил ишлаган, сўнгра «Мортон» агентлигига ишга ўтиб кетганди. - «Аклингни ишлат... ёки жўнаб кол».

Маккенн кулиб юборди.

- Шунака. Шифокор эса «Ошкозон яраси бошланяпти, чекишни тўхтатинг», деди. Бу «Нафас олишни тўхтатинг», деган билан баравар.

Моррисон бош иргади. У кўлидаги сигаретга каради ва хозирок янгисини тутатишини била туриб уни ўчирди.

- Шундан сўнг чекишни ташладингми?

- Ташладим. Дастлаб эпложмайман, деб ўйладим. Кейин эса бир йигитни учратиб колдим. У менга Кирк олтинчи кўчадаги корпоратсия хакида гапириб берди. Улар хакикий мутахассислар. Мен уларга боришга қарор қилдим. Оўшандан буён чекмаяпман. Моррисоннинг кўзлари каттариб кетди.

- Улар сенга дори беришдими?

- Йўк, - Маккенн чўнтагидаги хамёнини олиб кавлай бошлади. - Мана. - У стол устига ташриф варакасини кўйди.

«Чекишни ташланг» корпоратсияси

Тўхтанг! Соглигингиз тутун билан бирга учиб кетмоқда!

237 Ист, Кирк олтинчи кўча

Олдиндан шартнома тузиш асосида даволаш

- Истасанг, ўзингда олиб кол, - деди Маккенн. - Улар сени даволашади. Бунга кафолат бераман.
- Канакасига?
- Буни айтишга ҳақким йўк.
- Нега? Нима учун?
- Шартномада шундай модда бор.
- Сен шартнома тузганмисан?
- Маккенн бош иргади.
- Ва шу асосда...
- Худди шундай... - У Моррисонга жилмайди.
- Агар улар шунчалик зўр ишлайдиган бўлишса, бундай чоранинг нима кераги бор? Нима учун уларнинг рекламасини кўрмайман, газетага эълон беришмайди?
- Уларнинг миждозлари реклама вазифасини ўташади.
- Сен ҳам реклама бўйича мутахассиссан, Жимми. Бунга қандай ишониш мумкин?
- Мен ишонаман, - жавоб кайтарди Маккенн. - Уларнинг тўксон саккиз фоиз миждозлари чекишни ташлашади.
- Бир дақиқага, - деди Моррисон сигарет туташтираркан. - Улар сени боғлаб қўйиб кўнглинг айнагунча чекишга мажбур қилишадими?
- Йўк.
- Чекишинг билан ўзингни ёмон ҳис қиладиган бирор нарса...
- Йўк. Ўзинг бориб кўр. - У Моррисоннинг сигаретига ишора қилди.
- Шуни чекиб маза топасанми?
- Йўк, лекин...
- Мен чекишни ташладим ва ҳаётимда кўп нарсалар ўзгарди, - деди Маккенн. - Кучимга куч қўшилди, Шерон билан муносабатларим яхшиланди, ишларим юришиб кетди.
- Сен мени қизиқтириб қўйдинг. Бирор нарса айта ола...
- Кечир, Дик, ҳақким йўк, - деди Маккенн катъий оҳангда.
- Чекишни ташлаганингдан бери семириб қолибсанми? - сўради Моррисон ва унга Жиммининг авзойи бузилгандек туюлди.
- Ортиги билан. Лекин ортикча вазндан кутулдим. Ҳозир вазним меъёрида.
- Икки юз олтинчи рейсга тўққизинчи сектсияда рўйхатга олиш бошланди, - эълон қилинди овоз кучайтиргич орқали.
- Бўпти, - деди Маккенн ўрнидан тураркан. - Истасанг, яна ич. Дик, менинг айтганларимни яхшилаб ўйлаб кўр. - У шу сўзларни айтиб эскалатор томон кетди.
- Моррисон ташриф варакасини олиб ҳамёнига солиб қўйди.
- Бир ойдан сўнг Моррисон барлардан бирида пул тўламокчи бўлиб ҳамёнини очганида ташриф варакаси тушиб қолди. У ишдан эртарок қайтган ва кунни ичиш билан ўтказмокчи эди. Иши тобора орқага кетаётганди. Моррисон пулни тўлагач, варакани қўлига олиб ўқиди. 237 Ист, Кирк олтинчи кўча - унча узок эмас, икки квартал нарида.
- Октябрнинг қуёшли кунни эди: балки бир бориб кўрсамикин...
- «Чекишни ташланг» корпоратсияси янги бинода жойлашган бўлиб, бу ерда битта хонанинг ижара хақи, эҳтимол Моррисоннинг бир йиллик маошига тенг эди. Корпоратсия бутун бир қаватни эгаллаган, демак пули кўп.
- У лифтда юқорига қўтарилди ва гилам тўшалган йўлакдан ўтиб катта стол қўйилган кенг қабулхонага кирди. Бу ерда уч эркак ва бир аёл журнал ўқиб ўтиришарди. Кўринишидан улар бизнесмен эдилар. Моррисон қотибага ташриф варакасини узатди.

- Буни менга дўстим берганди.

Котиба жилмайди ва ёзув машинкасига когоз солди:

- Исми-шарифингиз, жаноб?

- Ричард Моррисон.

- Манзилингиз?

- 29 Мейн-лейн, Клинтон, Нью-Ёрк.

- Уйланганмисиз?

- Ха.

- Фарзандларингиз борми?

- Битта ўғлим бор. - У Элвинни ўйлаб ковогини уйди: «битта» эмас, «яримта» деса тўғрирок бўларди. Унинг ўғли аклан нокис бўлиб, Нью Жерсидаги махсус интернатда яшарди.

- Бу ерга келишни сизга ким тавсия қилди, жаноб Моррисон?

- Жеймс Маккенн, дўстим.

- Яхши. Мархамат, ўтиринг. Бугун бу ерда одам кўп.

- Бўпти.

У мовий ранг костюм кийган аёл ва тивит пиджакли йигит ўртасига ўтириб чўнтагидан сигарет чиқарди, лекин атрофда кулдон йўқлигини кўриб қайтариб чўнтагига солди. Хечкиси йўқ, уларнинг ўйинини билади, ташкарига чиккач, маза қилиб чекади. Агар бу ерда узокрок кутадиган бўлса, сигарет кулини оёғи остидаги жигарранг гилам устига ташлайди. Моррисон «Тайм» журналини олиб варақлай бошлади.

Унинг баданига йигилиб қолган никотин яна кўшимчасини талаб қиларди. Моррисондан кейин қелган бир киши чўнтагидан портсигар чиқарди, лекин кул ташлагани идиш йўқлигини кўргач, чўнтагига солиб қўйди. Буни кўриб Моррисон ўзини енгил хис қилди. Нихоят котиба жилмайганича уни ичкарига таклиф этди. Моррисон ўзини хира ёритилган йўлакда кўрди. Сочлари оппоқ бир киши унинг қўлини қисди ва дўстона жилмайди:

- Ортимдан юринг, жаноб Моррисон.

Улар катор эшиқлар ёнидан ўтишди. Йўлак ўртасига етишганида оқ сочли киши эшиқлардан бирини очди. Улар деворлари оппоқ кичкинагина хонага киришди. Хонада битта стол ва иккита стул бор эди, холос. Стол ортидаги деворда кичкинагина туйнук бўлиб, уни энсиз яшил парда ёпиб турарди. Моррисоннинг чап томонидаги деворда қўлида когоз тутган кишининг сурати осиглик эди.

- Менинг исмим Вик Донатти, - ўзини таништирди халиги киши. - Агар даволаш курсига рози бўлсангиз, сиз билан мен шугулланаман.

- Танишганимдан хурсандман. - Моррисоннинг жудаям чеккиси келаётганди.

- Оўтиринг.

Донатти котиба тўлдирган когозни стол устига қўйди, галадондан яна битта когоз олди ва Моррисонга қаради:

- Ростдан ҳам чекишни ташламоқчимисиз?

Моррисон йўталди, оёғини қалиштирди, сўнг жавоб қайтарди:

- Ха.

- Унда имзо чекинг.

У когозни Моррисонга узатди. Моррисон кўз югуртирди: қуйида имзо чекувчи даволаш усулларини ошкор этмасликка мажбур ва хоказо ва хоказо.

- Бўпти.

Донатти унга ручка узатди, Моррисон имзо кўйди. Сўнгра коғоз стол галадонига солинди. Хўш, ўйлади Моррисон киноя билан, касам ичдим. Олдин ҳам шундай хол бўлганди. У хаттоки, икки кун чекмаганди ҳам.

- Яхши, - деди Донатти. - Биз бу ерда таргибот билан шугулланмаймиз, жаноб Моррисон. Саломатлик, сарф-харажат, ижтимоий мурувват масалалари ва сизнинг нима учун чекишни ташламокчи эканлигингиз бизни кизиктирмайди. Биз - амалиётчилармиз.

- Зўр, - деди Моррисон эътиборсизлик билан.

- Хеч қандай дори бермаймиз, маъруза ўқимаймиз, пул талаб қил-маймиз. Бир йил давомида чекмаганингиздан кейингина пул тўлайсиз.

- Э, Худо, - деди Моррисон.

- Жаноб Маккенн бу ҳақда айтмаганмиди?

- Йўқ.

- Дарвоқе, унинг ишлари қалай? Яхшими?

- Зўр! Қойилмаком!

- Хозир эса... бир нечта шахсий саволларим бор, жаноб Моррисон. Жавобларингиз сир сақланади.

- Шундайми? - деди Моррисон.

- Хотинингизнинг исми?

- Люсинда Моррисон. Кизлик фамилияси - Ремзи.

- Уни севасизми?

Моррисон дархол Донаттига қаради, лекин у мулойимлик билан тикилиб турарди.

- Шунақа.

- У билан жанжаллашганмисиз?

- Чекишни ташлашимга бунинг қандай алоқаси бор? - Моррисон юмшоқроқ гапирмокчи эди, лекин иложи бўлмади - унинг ўлгудек чеккиси келаётганди.

- Бевосита алоқаси бор. Саволларимга жавоб беринг.

- Йўқ. - Аслида кейинги пайтда уларнинг муносабати ҳақиқатан ҳам кескинлашиб бораётганди.

- Фарзандингиз борми?

- Ҳа. Исми Элвин, у хусусий мактабда ўқийди.

- Қайси мактабда?

- Буни айтмайман, - Моррисон гамгин жавоб қайтарди.

- Майли, - деди Донатти ва жилмайди. - Эртага даволаш курсимизнинг биринчи сеансида барча саволларингизга жавоб бера оламан.

- Жуда яхши, - деди Моррисон ва ўрнидан турди.

- Ва сўнги саволим: сиз бир соат давомида чекмадингиз. Оўзингизни қандай хис қиляпсиз?

- Яхши, - алдади Моррисон, - жуда яхши.

- Барақалла, - деди Донатти ва столи айланиб ўтиб эшикни очди. - Бугунча чекишингиз мумкин. Эртадан бошлаб эса битта ҳам сигарет чекмайсиз.

- Бўлиши мумкин эмас!

- Бунга қафолат берамиз.

Ертасига роппа-роса соат учда Моррисон «Чекишни ташланг» корпорацияси қабулхонасида ўтирарди. У эрталаб роса иккиланди: бориш керакми ёки йўқми.

Нихоят, Жимми Маккенн айтган биргина ибора уни боришга мажбур қилди:

Ҳаётимда кўп нарса ўзгарди.

Лифтга киришдан олдин у сигаретни филтригача чекди. Минг афсус, агар у охирги марта сигарет чекаётган бўлса.

Бу сафар узок кутишга тўғри келмади. Котиба уни ичкарига таклиф килганида, Донатти аллақачон кутиб ўтирарди. У Моррисонга кўл узатди ва илжайди. Моррисон ўзини нокулай хис килди ва чеккиси келди.

- Юринг, - таклиф килди Донатти ва улар хонага киришди. Донатти стол ортига, Моррисон унинг каршисига ўтирди.

- Келганингиздан хурсандман, - деди Донатти. - Аксарият мижозларимиз биринчи суҳбатдан сўнг қайтиб келмайдилар. Улар чекишни ташлашни истамаётганликларини тушуниб қолишади. Мен жон деб сиз билан ишлайман.

- Даволаш курси қачон бошланади? - Гипноз, ўйлади Моррисон, гипноз бўлса керак.

- Иккаламиз йўлакда кўришганимиздан бошланган. Сигаретингиз борми, жаноб Моррисон?

- Ха.

- Менга бера оласизми?

Моррисон елкасини қисиб қўйиб кутини Донаттига узатди. Унда барибир, икки ёки уч дона сигарет қолганди.

Донатти кутини стол устига қўйди, Моррисонга жилмайди, ўнг қўлини мушт қилиб кутини мажаклай кетди. Кути ичидан синган сигарет учи чикди, тамаки сочилди. Донатти жилмайишда давом этди - Моррисоннинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди.

Эхтимол, улар шу йўл билан таъсир ўтказишар, ўйлади у.

Нихоят, Донатти мажакланган кутини ахлат челақка улоқтирди:

- Уч йилдан бери шу иш билан шугулланиб роҳат қиламан.

- Бундай даволаш курси наф берармикин, - деди Моррисон юмшоклик билан. - Ташкаридаги дўқондан сигарет сотиб олиш мумкин.

- Мутлақо тўғри, - маъқуллади Донатти ва қўлини кўксига қалиштирди. - Оўглингиз Элвин Доус Моррисон Петерсон акли нокис болалар мактабида. Тугма жарохати туфайли у ҳеч қачон тузалмайди. Унинг аклий қобилияти коэффитсиенти - 46.

Хотинингиз...

- Буни қаердан билдингиз? - қичқирди Моррисон. У газабга минганди. - Бунга қандай ҳақкингиз бор?

- Биз сиз ҳақкингизда қўп нарсани биламиз. - деди Донатти, - лекин илгари айтганимдек, бу сир сақланади.

- Мен кетаман, - деди Моррисон ва ўрнидан турди.

- Яна озгина ўтиринг.

Моррисон Донаттига диққат билан қаради - у хотиржам эди. Хаттоки, бу суҳбатдан у завқ олаётгандек эди. Унинг юз қиёфасидан Донатти бундай ҳолатларни юз марталаб кўрганини билиш мумкин эди.

- Яхши, қоламан. Ишга ўтайлик.

- Албатта. - Донатти стулга суянди. - Мен сизга айтувдим - биз амалиётчимиз. Шунинг учун ҳам биз бошидаёқ чекишга бўлган иштиёқни даволаш қанчалик қийинлигини тушуниб олишимиз керак эди. Чекишни ташлаганларнинг саксон беш фоизи қайтадан чекишни бошлаб юборишади. Гиёҳвандлар орасида эса бу кўрсаткич пастроқ. Муаммо жуда жиддий.

Моррисон ахлат челақка қаради. Битта сигарет буқилиб кетган, лекин чекса бўларди. Донатти ёзилиб қолди, челақдаги сигаретни синдириб ташлади.

- Айрим штатларнинг конун чикарувчилари баъзан камокхоналарда чекишни ман килишни таклиф килишади. Овоз бериш пайтида бу таклиф бутунлай йўкка чиқади. Баъзан бу таклиф қабул килинган, лекин камокхоналарда галаён кўтарилган, хакикий галаён, жаноб Моррисон. Тасаввур киласизми?
- Бунинг менга кизиги йўк.
- Яхшилаб эътибор беринг! Бирор кишини камокка ташлашганида уни жинсий алока, спиртли ичимлик ичиш, сиёсий фаолият билан шугулланиш, саёхат килиш имкониятларидан махрум килишади. Ва ҳеч қандай исён кўтарилмайди. Лекин махбусларга сигарет чекишни таъкикласангиз - ба-бах! - Донатти ўз фикрини баён этиш максатида столга мушт урди.
- Келинг, даволашни бошлайлик.
- Бир дакика. Илтимос, бу ёкка юринг. - Донатти ўрнидан туриб яшил пардани сурди. Туйнук ортида бўм-бўш хона бор эди. Йўк, бўш эмас экан. Бурчакда бир куён товокка солинган сабзавотни кавшарди.
- Чиройли куён экан, - деди Моррисон.
- Фикрингизга кўшиламан. Уни кузатиб туринг. - Донатти тоқчадаги тугмани босди - куён овкатланишдан тўхтади ва сакраб тушди. У оёқлари ерга теккач, янада баландрок сакради ва хона бўйлаб югура бошлади.
- Бас килинг! Уни тоқ уриб ўлдиради-ку!
- Донатти тугмани кўйиб юборди:
- Нима деяпсиз, бу жуда кучсиз тоқ. Куёнга каранг, жаноб Моррисон.
- У товоқдан уч метр нарида турарди.
- Агар у овкатланаётганда тоқ ураверса, жонивор бир нарсани тушуниб етади: овкатланиш - огрик. Демак, куён овкат емай кўяди. Уни бир неча марта тоқ урса, куён овкат тўла товоқ ёнида очликдан жон беради. Бу воз кечдириш йўли билан тарбиялаш деб аталади.
- Моррисоннинг ранги оқариб кетди, у эшик томон йўл олди.
- Бўлди, керак эмас, катта раҳмат.
- Тўхтанг, жаноб Моррисон.
- Моррисон эшик туткичидан тортди... эшик кулфлоглик эди.
- Очинг.
- Жаноб Моррисон! Илтимос, ўтиринг!
- Эшикни очинг, акс холда политсия чакираман.
- Ўтиринг, - деди Донатти совук охангда.
- Моррисон Донаттининг кўркинчли кўзларига каради ва ўйлади: «Ё, Худойим, мен телба киши билан бир хонада колдим». У лабларини ялади. Умида унинг бунчалик чеккиси келмаганиди.
- Мен сизга даволаш курси хақида батафсил гапириб бераман, - деди Донатти.
- Тушунмадингиз, - эътироз билдирди Моррисон сохта хотиржамлик билан. - Менга курсингиз керак эмас. Мен ундан воз кечаман.
- Йўк, жаноб Моррисон, сиз тушунмадингиз. Энди бошка иложингиз йўк. Даволаш курси бошланди, деганимда сизни алдамагандим. Хаммасини тушунганга ўхшагандингиз.
- Сиз аклдан озгансиз, - деди Моррисон.
- Йўк, мен амалиётчи одамман.
- Кани бошланг, - деди Моррисон. - Факат билиб кўйинг, бу ердан чиқишим биланок беш кути сигарет сотиб оламан ва уларни политсия махкамасига боргунимча чекиб

тугатаман.

- Ўзингиз биласиз. Лекин сизга хаммасини тушунтирганимдан сўнг фикрингизни ўзгартирасиз, деб ўйлайман.

Моррисон жим бўлиб колди, стулга ўтириб кўлларини чалиштирди.

- Даволаш курсининг дастлабки ойида одамларимиз доимий равишда сизни кузатиб юришади, - тушунтирди Донатти. - Сиз уларнинг айримларини сезасиз, лекин хаммасини эмас. Сизни тўхтовсиз кузатиб туришади. Доимий равишда. Агар чекканингизни кўриб қолишса, бу ерга кўнгирок килишади.

- Мени бу ерга олиб келиб куённинг ўрнига ўтказишади. - Моррисон пичинг килди, лекин кўркувга тушди. Бу худди дахшатли тушга ўхшарди.

- Йўк, - жавоб кайтарди Донатти. - Куённинг ўрнига сизни эмас, хотинингизни ўтказишади.

Моррисон унга анграйиб каради.

Донатти илжайди.

- Сиз эса туйнукдан караб турасиз.

Сухбат тугагач, Моррисон кандай килиб йўл босганини билмади. Хаво жуда яхши эди; лекин у буни сезмасди. Донаттининг илжайган киёфаси унинг кўз олдини тўсиб кўйганди.

- Тушунинг, - деганди у, - амалий иш амалий қарорни талаб килади, биз фақат сизнинг манфаатингизни ўйлаймиз.

Донаттининг айтишича, «Чекишни ташланг» корпорациясига (хайрия ташкилотига ўхшаган) суратда тасвирланган киши асос солган экан. У автомат ўйинлар, массаж хоналари, яширин лотереялар билан шугулланган. Бу киши, Уч бармок лакабли Морт Минелли ашаддий кашанда бўлган - кунига уч кути сигарет чеккан. Унинг кўлидаги коғоз - шифокорларнинг сўнгги хулосаси: ўпка раки. Морт барча бойлигини «Чекишни ташланг» корпорациясига васият қилиб, 1970 йилда вафот этган.

- Молиявий ишларни иложи борича силлик олиб боришга ҳаракат киламиз. - деганди Донатти, - лекин биз одамларга ёрдам беришдан кўпроқ манфаатдормиз. Албатта, бу хайрли ишимиз солиқ тўлашда бизга кўл келади.

Даволаш курси дахшатли даражада оддий эди. Биринчи марта койда бузилса - Синдини Донатти айтган «куёнхона»га олиб келишади. Иккинчи марта бўлса - Моррисоннинг ўзи ҳам жазоланади. Учтинчисида - уларнинг иккаласи биргаликда ток остига кўйилишади. Тўртинчи марта койда бузилиши янада каттиқроқ жазога олиб келади. Элвин ўқиётган мактабга бир киши бориб уни дўппослайди.

- Тасаввур қилинг, - деди жилмайиб Донатти, - ўглингиз қай ахволга тушади. У нима бўлаётганини тушунмайди. Фақат, дадаси ёмонлиги учун қалтакланаётганини билади, холос.

- Аблах, - деди Моррисон, у йиглаб юборишга тайёр эди, - лаънати аблах.

- Мени тўгри тушунинг, - деди Донатти. - Бундай бўлмаслигига ишонаман.

Мижозларимизнинг қирк фоизига жазо қўлламаймиз ва фақат ўн фоиз мижозларимиз коидани уч мартадан ортиқ бузадилар. Бу рақамлар сизни тинчлантирса керак?

Моррисон бунда ўзини тинчлантирадиган ҳеч нарса кўрмади. У дахшатга тушганди.

- Агар беш марта койда бузсангиз...

- Нима демокчисиз?

Донатти илжайди:

- Сиз билан хотинингиз куёнхонага, ўглингиз иккинчи марта, хотинингиз эса биринчи

марта калтакланади.

Фазабдан аклини йўкотган Моррисон стол устидан Донаттига ташланди.

Донатти эса стули билан оркага сурилди ва иккала оёги билан Моррисоннинг корнига тепди. Моррисон ортига учиб кетди.

- Оътиринг, жаноб Моррисон, - деди Донатти, - келинг, аклли одамлардек гаплашиб олайлик.

Моррисон хансираганича унга бўйсунди. Бу кўркинчли туш қачондир тугар, ахир?

«Чекишни ташланг» корпорациясида ўн босқичли жазо тури бор, деганди Донатти.

Олти, етти, саккиз марта коида бузилса - ток кучи ошади, дўппослашлар тобора дахшатли тус олади. Агар Моррисон тўққизинчи марта чекса, унинг ўглининг кўлларини синдиришади.

- Ўнинчи марта бўлса-чи? - сўради Моррисон. Унинг томоғи куриб қолганди.

Донатти маъносиз бош чайкади:

- У холда биз таслим бўламиз. Сиз икки фоиз тузалмайдиган мижозлар рўйхатига кирасиз.

- Ростдан таслим бўласизларми?

- Шунака деса ҳам бўлади. - Донатти галадонни очди ва стол устига 45-калибрли «колт» тўппончасини кўйди. - Лекин ана шу икки фоиз тузалмаслар ҳам кайтиб ҳеч қачон чекишмайди. Бунга кафолат берамиз.

Кечкурун телевизорда Синди ёктирадиган «Булмат» филми бўлаётганди. Моррисон бир соат давомида мингирлаб, типирчилаб ўтирди.

Синди кинони бемалол кўра олмади.

- Сенга нима бўляпти? - сўради у.

- Ҳеч нарса... - деди Моррисон. - Мен чекишни ташладим.

Синди кулди:

- Қачон? Беш дақиқа олдинми?

- Соат учдан бери.

- Ўшандан бери чекканинг йўқми?

- Йўқ.

- Зўр-ку. Чекишни ташлашингга нима мажбур қилди?

- Мен сени ўйладим... Элвинни.

Синдининг кўзлари катта-катта очилди. Дик ўгли хақида камдан-кам гапирарди. У бўм-бўш кулдонга қаради.

- Ростдан ҳам чекишни ташламоқчимисан, Дик?

- Ростдан. Агар политсияга мурожаат қилсам, безорилар сени дўппослашади, Синди.

- Агар чексанг ҳам барибир биз Элвин билан гамхўрлигингдан миннатдор бўламиз.

- Кайтиб чекмайман, деб ўйлайман, - деди Моррисон ва унинг корнига тепаётган Донаттининг-котилнинг хира кўзларини ўйлади.

У кечкурун ухлай олмади, кечаси учда эса туриб олди. Моррисоннинг чеккиси келаётганди. У пастга тушиб, хонасига кирди. Бу хонанинг деразалари йўқ эди.

Моррисон столи галадонини очиб, сигарет қутисини олди, атрофга аланглаб, лабларини ялади.

Биринчи ой давомида доимий кузатувда бўласиз, деганди Донатти. Кейин эса икки ой давомида уни қунига ўн саккиз соатдан кузатишади. Тўртинчи ойда (айнан ўшанда аксарият мижозлар яна чека бошлашади) яна қунига йигирма тўрт соат давомида кузатув олиб борилади. Кейин йилнинг охиригача қунига ўн икки соатлик кузатув.



Кейин-чи? Умрининг охиригача хар кандай пайтда кузатув бошланиши мумкин.

Умрининг охиригача.

- Сизни хар икки ойда текширишимиз мумкин, - деганди Донатти. - Ёки кун ора. Ё бўлмаса, хар икки йилда бир хафталик кузатув ташкил киламиз. Хамма гап шундаки, Сиз буни билмайсиз. Агар чексангиз, биз билан ўйнашаётган бўласиз. Улар кузатяптими ёки йўкми? Хотинимни олиб кетишдими ёки ўглимни дўппослагани одам жўнатишдими? Зўр-а, тўгрими? Яширинча сигарет чексангиз хам ундан ўглингизнинг кони таъми келиб туради.

Лекин хозир тун коронгусида, улар уни бу хонада кузата олишмайди. Уй худди кабристондек жимжит эди.

У икки дакикача сигарет кутисидан кўз узолмай турди, сўнг эшик олдига бориб бўм-бўш йўлакка каради, ортига кайтиб, яна сигаретга тикилди. У кайтиб сигарет чекмаслигини тасаввур килди. Энди у кандай килиб мижозлар билан кўлида сигаретсиз гаплашади? Синдининг гулларига сигарет чекмасдан кандай чидайди? Кандай килиб кунни эрта тонгда сигарет чекмасдан бошлайди?

Моррисон бу нарсага аралашиб колгани учун ўзини, Донаттини лаънатлади, энг дахшатли лаънат ўклари эса Жимми Маккеннга каратилганди. У нима учун бундай килди! Итвачча, хаммасини билар экан-ку! Хоин Маккенннинг томогидан бўғиш истагидан Моррисоннинг кўллари калтираб кетди.

У яна хона ичига аланглади, сигаретни кўлига олиб уни силади, лабига кистирди ва котиб колди.

Шкаф ичида кандайдир шитирлаган товуш эшитилдими? Йўк, шекилли. Лекин...

Унинг кўз олдида яна бир манзара намоён бўлди: электр токи зарбидан сакраётган куён. Бу хонада унинг ўрнида Синди бўлиши мумкин...

Унинг бутун вужуди кулокка айланди. Моррисон шкафни очмокчи бўлди, лекин унинг ичида бирортаси бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрқди. У жойига кириб ётди, лекин анчагача ухлай олмади.

Эрталаб ўзини ёмон хис килишига карамасдан, нонушта Моррисонга жуда ёқди. Бир оз ўйлангач, у яна битта ковурилган тухумни паккос туширди. Синди пастга тушганида, у товани юваётганди.

- Ричард Моррисон! Охирги марта итимиз кучуклик пайтида нонуштада тухум егандинг. Моррисон нимадир деб тўнгиллади.

- Чекиб бўлгандирсан? - сўради хотини.

- Йўк.

- Туш пайтига бориб чекасан, - деди Синди кувноклик билан.

- Зўр ёрдамчи экансан, - ўшқирди Моррисон хотинига. - Сиз чекмайдиганлар ўйлайсизларки... ха, майли.

- Сен ростдан хам чекишни ташламокчимисан?

- Албатта. Бунинг канчалик жиддий эканлигини ҳеч қачон билмайсан, деб умид киламан.

- Бечора, - деди хотини. - Сен тирик мурдага ўхшаб колдинг.

Моррисон уни багрига махкам босди.

Ричард Моррисон хаётидан лавхалар; октябр-ноябр: Моррисон «Ларкин студиос» да ишлайдиган огайниси билан Жек Демпсининг барида. Огайниси Моррисонга сигарет узатади, у рад этади:

- Мен чекишни ташладим.

Огайниси кулади:

- Кўпи билан бир хафта чидайсан.

Моррисон автобус кутаётиб кўк костюм кийган йигитга кўзи тушади. У бу йигитни деярли хар куни ва турли жойларда кўради: Онди барида, Сем Гудининг мусика дўконида. Бир куни Дик уни ўзи голф ўйнаётган майдонда ҳам кўриб колди.

Моррисон мехмондорчиликларда ичади - жудаям чеккиси келади! - лекин бунга кўл урадиган даражада маст бўлмайди.

У ўглини кўргани боради, унга копток совга килади. Элвин огзидан суви окиб уни ўпганида у илгаригидек жирканмайди. Моррисон ўглини кучоклайди ва Донаттилар компанияси бир нарсани жуда яхши англаганини тушунади: севги - энг кучли афюн. Хаёлпарастлар унинг бор-ўқлиги хакида бахслашаверишсин. Амалиётчи одамлар ундан ўз максадлари йўлида фойдаланишади.

Моррисон аста-секин тамакига бўлган жисмоний эhtiёжидан кутулади, лекин рухий эhtiёжидан кутула олмайди. Шунинг учун доим огзига йўталга карши дори, канд ёки сигарет ўрнини босувчи бирор нарса солиб юради.

Бир куни Моррисон «Мидтаун» туннелида автомобил тикинига дуч келди. Коронгилик. Машиналар тўхтовсиз сигнал чалишар, атроф тутун хидига тўлиб кетганди. Моррисон кўккисдан машина ичидаги кутичани очиб, унинг ичида турган сигарет кутисини кўриб колди. Сигарет кутисига бирпас караб туриб, ичидан сигарет олди-да туташтирди. Агар бирор нарса бўлса, бунга Синдининг ўзи сабабчи, деди у ўзига ўзи. Жин ургур, унга хамма сигаретларни ташлаб юбор, дегандим-ку.

Сигаретни ичига бир тортганди - каттик йўтал тутди. Иккинчи тортишда кўзидан ёш чикиб кетди, учинчисида - боши айланди. Намунча аччик, ўйлади Моррисон.

Бирдан унинг мясига бошка фикр келди: Э, Худойим, нима кияпман?

Оркада тўхтовсиз сигнал чалинарди. Олдиндаги машиналар юра бошлади. Моррисон сигаретни ўчириб, машина ойналарини очди ва кўллари билан тутунни хайдай бошлади. У тикиндан зўрга чикиб уйига келди.

- Синди, мен келдим, - деди у.

Жимжитлик.

- Синди? Азизам, каердасан?

Телефон жиринглади, Моррисон шошиб гўшакни кўтарди:

- Синди? Каердасан?

- Салом, жаноб Моррисон, - деди Донатти ёкимли, тетик овозда. - Биз бир масалани кўриб чиқишимиз керакка ўхшайди. Соат бешда олдимга кела оласизми?

- Хотиним сизлардами?

- Шунака, - жавоб кайтарди Донатти.

- Уни кўйиб юборинглар, - бидирлади Моррисон, - бошка бундай килмайман. Оўзимни тутолмай колдим. Бор-ўғи уч марта тортдим. Худо хакки, хаттоки чекиш менга ёкмади.

- Минг афсус. Демак, соат бешда келасиз?

- Илтмос, - деди Моррисон. У йиглаб юборай деди, - ўтинаман...

Лекин Донатти гўшакни кўйиб кўйганди.

Соат бешда кабулхонада Моррисоннинг девордек окариб кетганига эътибор бермай унга жилмайган котибадан бошка хеч ким йўк эди.

- Жаноб Донатти? - деди у тугмани босиб. - Жаноб Моррисон келди. - У Моррисонга бош иргади. - Кираверинг.

Донатти уни эшик олдида «жилмайинг» деган ёзувли майка кийган ва кўлига

38-калибрли револьвер тутган бир барзанги билан кутиб турарди.

- Менга каранг, - деди Моррисон, - келишимимиз мумкин. Сизларга пул тўлайман. Мен...

- Овозингни ўчир, - деди майкали киши.

- Сизни кўрганимдан хурсандман, - деди Донатти. - Учрашувимиз шундай кайгули холатда кечаётганидан афсусдаман. Мен билан юринг. Тезрок тугатамиз. Хотиржам бўлинг: хотинингизга ҳеч нарса килмайди... бу сафарча.

Моррисон Донаттига ташланмокчи бўлди.

- Хаёлингизга ҳам келтирманг, - деди у. - Агар шундай килсангиз, мана бу киши револьвер билан бошингизга солади, хотинингизни эса барибир ток билан уришади. Бундан сизга нима фойда?

- Тил тортмай ўлгин, - деди Моррисон Донаттига караб.

- Агар мана шундай тилаклар учун беш тсентдан олганимда эди, аллақачон нафакага чиксам бўларди. Бу сизга сабоқ бўлади, жаноб Моррисон. Юринг.

Барзанги уни револьвер билан никтади.

Хонага биринчи бўлиб Моррисон кирди ва хайкалдек котиб колди. Яшил парда суриб кўйилганди. Барзанги уни револьвер билан туртди. Моррисон туйнукдан мўралади ва талмовсираб турган Синдини кўрди.

- Синди, - деди у, - Синди, улар...

- У сизни кўрмайдиям, эшитмайдиям, - деди Донатти. - Келинг, тезрок тугатайлик.

Гунохингиз унча огир эмас - ўттиз сония етади, деб ўйлайман.

Барзанги бир кўли билан тугмани босди, иккинчи кўлидаги револьверни Моррисоннинг бикинига тиради.

Бу унинг хаётидаги энг узок ўттиз сония эди. Жазолаш тугагач, Донатти Моррисоннинг елкасига кўлини кўйди ва сўради:

- Кўнглингиз айнимаяптими?

- Йўк, - деди Моррисон зўрга ва деворга суяниб колди - унинг оёқлари калтирарди.

- Мен билан юринг, - деди Донатти.

- Каёкка? - сўради Моррисон.

- Хотинингизга бирон нарса дерсиз?

- Унинг кўзига кандай карайман. Унга кандай айтаман?

Хонада дивандан бошка ҳеч нарса йўк эди. Унда Синди йиглаб ётарди.

- Синди, - деди Моррисон.

Хотини йигидан кизариб кетган кўзларини унга тикди.

- Дик, - пичирлади Синди, - Дик? Э, Худойим... Икки киши... Уйимизда... Уларни ўгри деб ўйлабман, улар эса кўзимни боглаб бу ерга олиб келишди.

- Ўзингни бос.

- Лекин нима учун? - сўради хотини. - Улар нима учун..

- Хаммаси мени деб бўлди. Сенга бир нарсани айтишим керак.

У хикоясини тугатиб, бирпас жим бўлиб колди ва деди:

- Сен мендан нафратланаётган бўлсанг керак?

Моррисон ерга каради. Синди унинг юзига кафтини кўйди ва ўзига каратди:

- Йўк. Кетдик уйга.

Бир хафтадан кейин кечки пайт телефон жиринглади ва Донаттининг овозини таниган Моррисон деди:

- Одамларингиз адашишибди. Мен кўлимга сигарет ушлаганим йўк.

- Буни биламиз. Сўнгги масалани келишиб олишимиз лозим. Эртага кечки пайт кела оласизми?

- Бу...

- Кўркманг. Айтганча, лавозимингиз кўтарилгани билан табриклайман.

- Буни каердан биласиз?

- Хисоб-китоб ишларини юритамиз, - деди Донатти ва гўшакни кўйди.

Улар хонага киришгач, Донатти деди:

- Нега асабийлашяпсиз? Сизни ҳеч ким тишлаб олмайди. Бу ёкка келинг.

Моррисон якин келди ва ерда оддий тарозини кўрди.

- Мен сал семирдим...

- Ха, ха, ха. Етмиш уч фоиз мижозларимизда бу ҳолат ҳам кузатилади. Марҳамат, тарозига чикинг.

Тарози етмиш тўккиз килони кўрсатди.

- Яхши, тарозидан тушишингиз мумкин. Бўйингиз канча, жаноб Моррисон?

- Бир метру етмиш тўккиз сантиметр.

- Кани, - Донатти чўнтагидан коғоз чикарди. - Жуда зўр. ҳозир сизга семиришга қарши дорилар рўйхатини ёзиб бераман. Уларни камдан-кам ичинг. Сизнинг огирлигингиз кўпи билан... - У яна бир марта коғозга каради. - Саксон уч кило бўлади. Бугун биринчи декабр, демак, ҳар ойнинг биринчи кунда вазнингизни тортиб кўрамыз.

- Агар саксон уч килодан огир бўлсам нима бўлади?

Донатти жилмайди:

- Одамларимиздан бири уйингизга бориб хотинингизнинг жимжилок бармогини киркиб келади. Саломат бўлинг, жаноб Моррисон.

Орадан саккиз ой ўтди.

Моррисон Жек Демпси барида «Ларкин студиос»да ишлайдиган оғайнисини кўриб қолди. Моррисон спорт билан шугулланаётган, кўриниши зўр эди.

- Қандай қилиб чекишни ташладинг? - сўради оғайниси.

Моррисон унга маъноли қаради, чўнтагидан ташриф варакасини чикарди.

- Биласанми, - деди у, - мана шу компания ҳаётимни ўзгартириб юборди.

Орадан бир йил ўтди.

Моррисон почта орқали тўлов коғози олди:

«Чекишни ташланг» корпорацияси

237 Ист, Кирк олтинчи кўча,

Нью Ёрк, Нью Ёрк штати, 10017

Даволаш курси - 2500 доллар

Мутахассис хизмати (доктор Донатти) - 2500 доллар

Електр харажати - 50 цент

Жами - 5000 доллар 50 цент.

- Итваччалар! - бақирди у. - Сени қийнашган электрни ҳам ҳисобга қиритишибди.

- Тўлай қол, - деди хотини.

Орадан яна саккиз ой ўтди.

Моррисон ва Синди «Хелен Хейс» театрида Жимми Маккенни хотини билан кўриб қолишди. Улар сўрашишди. Жиммининг кўриниши илгаригидан ҳам яхши эди. Моррисон унинг хотинини энди кўраётганди. Моррисон у билан қўл бериб сўрашди. Аёлнинг қўл қисши галати эди. Фақат бир ордан кейин Моррисон бунинг сабабини тушунди.

Маккеннинг хотинининг ўнг қўлидаги жимжилок бармоғи йўқ эди...

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.